

*Имом Али ибн Мусо
ар - Ризо*



**ЛУЪЛУЪ
УЛ-МАКНУН**
(Яширин марваридлар)

**Форсидан
МАҲМУД ҲАСАНИЙ
таржимаси**

**ТОШКЕНТ
1991**

МАЖНУНГОЛ

Форсийдан *Маҳмуд Ҳасаний* таржимаси
Муҳаррир Маъфират Орифжонова

Имом Али ибн Мусо ар-Ризо (765 ёки 770—818 й.)нинг «Луълуъ-ул-макнун» («Яширин марваридлар») асари бошдан-оёқ одоб-ахлоқ мавзусига бағишланган, ота-боболарнинг энг ажойиб хулқлари, ибратли сўзлари, ҳикматлари ундан ўрин олган. Унда ота-она ва устозни ҳурматлаш, тўғри сўзли бўлиш, виждон билан яшаш, дўстлик ва садоқат қоидалари баён қилинади. Қабиҳ иллатлар, ёмон хислатлар ва уларнинг ёмонлиги ҳикмат ва ҳикоятлар асосида ёритиб берилади.

Маҳмуд Ҳасаний, 1991 (тарж.).

0 301070000—16
P—731(02)—91—15—91

ISBN 5—8414—0011—8

ЯШИРИН МАРВАРИДЛАР

Қўлингиздаги «Луълуъ-ул-макнун» («Яширин марваридлар») рисоласи Имом Али ибн Мусо ар-Ризо (765 ёки 770—818 й.) қаламига мансубдир. Унинг тўлиқ исми Имом Али ибн Мусо Қозим ибн Зайнул Обидин ибн Хусайн ибн Аби Толиб бўлиб, ўтмишда яшаган ўн икки имомнинг саккизинчиси ҳисобланади. «Қомусу-лаълом» китобида ёзилишича, Имом Али Мадинаи Мунавварада туғилган бўлиб, онаси Умм Саъиддир¹.

Имом Али ибн Мусо ўз даврининг етук олими ҳисобланган, ўзини ҳазрати Али авлодлари деб ҳисобловчи шиъа мазҳабидаги кишилар ичида катта таъсирга эга бўлган. Шиъа ва суннийларни ўзаро муросага келтириш мақсадида халифа ал-Маъмун (813—833 й.) 816-йилда Имом Али ибн Мусони тахт вориси деб эълон қилади² ва ўз қизи Умм Ҳабибани унга беради.

Суннийлар билан шиъалар орасидаги иттифоқ узоққа чўзилмайди. Аббосийлар сулоласига мансуб бўлган ал-Маъмун атрофидаги суннийлар бунга қаршилик кўрсатадилар. «Исло» справочнигида ёзилишича, Имом Али ибн Мусо халифа ал-Маъмун буйруғи билан 818-йилда Тус шаҳри яқинидаги Нўқон қишлоғида заҳарлаб ўлдирилган. Бироқ бу маълумот «Қомусу-лаълом»даги маълумотга зид бўлиб, халифа ал-Маъмун Имом Алининг жанозасини ўзи ўқиган ва отаси Ҳорунаррашиднинг қabri ёнига дафн этилган.

Имом Али ибн Мусо дафн этилган қишлоқ кейинчалик Машҳади Али Ризо деб ном олиб, зиёратгоҳга айланган. Ҳозир Ҳамадан вилоятидаги шаҳар бўлиб, Машҳад деб аталади³.

«Луълуъ-ул-макнун»нинг муқаддимасида ёзилишича, халифа ал-Маъмун бир куни Имом Али ибн Мусо ар-Ризодан илтимос қилиб: «Эй имом, анбиё, авлиё ва ҳукамоларнинг табаррук насихатларидан муборак қулоғингизга нимаки етишган бўлса, бизга ёзиб берарсиз, деган умиддаман, токи уни мутолаа қилишдан кўзимга нур ва юрагимга сурур ҳосил бўлсин!» дейди. Имом бу

¹ Сомибек. Қомусу-лаълом. Истанбул, 1901 й, 3-жилд, 2284-бет.

² Қаранг. Ислам. Краткий справочник. Москва, 1983, 34-бет.

³ Қаранг. Ислам. Справочник. Тошкент, 1989, 54-бет.

илтимосни қабул қилиб, мазкур рисолаи ёзади ва уни «Луълуъ-ул-макнун» деб атайди.

Рисолада Буқрот, Арасту, Луқмони ҳаким ва бошқа Шарқ мусулмон ҳакимларининг панду насиҳатлари, ҳикматли сўзлари ва шеърлари ўз ифодасини топган. Ундаги насиҳатлар кучли тарбиявий аҳамиятга эга бўлиб, ота-онани, устозни ҳурматлаш, тўғри сўз ва тўғри ниятли бўлиш, дўстлик ва садоқатни мустаҳкамлаш каби яхши фазилаатлар тараннум этилади.

Асар форс тилида ёзилган, ўзбек тилида биринчи марта эълон қилинмоқда.

Маҳмуд Ҳасаний

БИСМИЛЛОҲИР РАҲМОНИР РАҲИМ

Оламларнинг парвардигорига ҳамдлар ва тақводорларнинг оқибати саз бўлсин, кўнгил денгиздан тил соҳилига чиқувчи ва дилларни ўзига ром этувчи мақтовлар ҳазрати Ҳақ учундир — унинг шаъкати улуғ ва исмлари муаззам бўлсин! Ва ҳисобсиз дурудлар ўша оқибати саз Сайид (пайғамбар) учунким, Қуръон жавоҳиротлари, «гўё улар ёқут ва маржон каби», унинг шариф вужуди сабабли нозил бўлди ва унинг оиласи, дўстлари ва умр йўлдошларининг ҳаммасига ҳам (дурудлар бўлсин!)».

Яна илму ҳикмат ғаввослари ва ваъзу насихат саррофларининг нурли қалбларидан махфий қолмасинким, Ҳақ субҳонаҳу ва таъоло инсон учун ато қилган энг яхши неъмат жонбахш калом ва роҳатафзо нутқдир. Бунга эса хилма-хил маъноларни, ваъдалар ва насихатларни ўз ичиган олган парвардигор Қаломи ва Қуръон оятлари далилдир. Боққилким, улуғларнинг жонга роҳат берувчи маъвизалари (панд-насихатлари) ва ҳақимларнинг мушб-фиқона панду насихатлари қандай ноёб гавҳар ва қандай ажойиб дурки, оламнинг аввалидан то сўнгги дамларгача аҳли олам қулоғининг зийнатловчисидир.

Мўътабар китобларда ёзилишича, Маъмун ар-Рашид бир кун ҳазрати Имом Али ибн Мусо ар-Ризодан, — Аллоҳ ундан рози бўлсин, — илтимос қилиб: «Эй имом, анбиёлар, авлиёлар ва ҳукамоларнинг табаррук насихатларидан муборак қулоғингизга ни-майки етишган бўлса, ёзиб берарсиз деб умид қиламан, токи уни мутолаа қилишдан кўзимга нур ва юрагимга сурур ҳосил бўлсин!» деди.

Ҳазрати имом унинг илтимосини қабул қилди ва мазкур рисо-солани ёзиб, унга ўз лутфу карамини эҳсон қилди. Маъмун бу рисо-солани олтин суви билан кўчиришларини буюрди ва уни доимо ўзи билан ҳамроҳ тутиб, пайваста мутолаа қилиш билан машғул бўлди.

Ва имом бу рисолага «Луълуъ-ул-макнун» («Яширин марва-ридлар») деб ном қўйди. Қимки унинг ҳукмларидан хабар топиб, унга амал қилса, асрининг яғонаси ва даврининг дурдонаси бўла-ди, деган умид бор. Аллоҳу таъоло тўғри йўлни билувчироқдур!

РАСУЛИ АКРАМ САЛЛАЛЛОҲУ АЛАЙҲИ ВАСАЛЛАМНИНГ АЙТГАНЛАРИ

Айтдилар: билмоқ зарурки, ҳамма нарсанинг асли Худойи таборак ва таъолодир,— унинг исми қудратли бўлсин,— ҳамманинг қайтиши унгадир. Қимдаки Худонинг дўстлиги бор бўлса, унда ҳою-ҳаваснинг муҳаббати қолмайди. Қимки Худойи таълони таниса ва уни ёлғиз деб билса, халойиққа яхшилик қилади. Қимки дунёдан юз ўғурса, Адн жаннатини топади. Қимки ғазабини ичига ютса, равнақ топувчилар жумласидан бўлади. Уз нафсига ҳоким бўлган киши энг ақлли одамлардан бирига айлана олади ва бундай киши ўлгандан сўнг ўзини қўллайдиган ишларни қилади. Энг аблаҳ киши ҳою-ҳавас кетидан қувади ва Худо мени кечиради, деб умид қилади...*

...Ҳар ким сени айбингдан огоҳ қилса, унга ғазабингни сочма, аксинча хурсанд бўл:

Қитъа:

Ер он беҳ, ки айби ёрашро,
Ҳамчу оина рӯ-барӯ гуяд.
На ки чун шона бо ҳазор забон,
Аз қафо рафта мӯ-бамӯ гуяд.

Таржимаси:

Ўз дўстининг айбу нуқсонларини
Ойнадек юзма-юз туриб айтувчи дўст яхшидур.
Бу тарақнинг аксикки, тарақ орқадан туриб
Минг тил билан ҳар бир соч толасига сир айтади.

Келтиришларича, Искандар таълим олишдан бўшагач, уни бир йиғилишга олиб келдилар, Арасту ундан илмий ва амалий масалалардан савол сўради. Искандар унинг барча саволларига вазминлик билан муддаодагидек жавоб берди. Арасту таҳсин ва офарин ўрнига ёқимсиз сўзлар билан уни ранжитди. Утирганлар Арастуни золимликда ва ҳикмат қоидасидан узоқликда айбладилар. Сўнг бу воқеанинг сирини сўрадилар. Арасту:

— Искандар ота уйда ва она бағрида нозу неъмат билан парвариш топган бир гўдак, зулм ва жабрнинг таъминини унга тот-гиздим, токи у жабрнинг аччиқлигини билиб, қўлини халққа адолатсизлик ва ёмонлик қилишдан тортадиган бўлсин!— деб жавоб берди.

Бир ҳаким ўз фарзандига деди:

— Икки жаҳонда саодатли бўлайин десанг қуйидаги панду насиҳатларга амал қил! Эй фарзанд, виждонли бўл, Ҳақ субҳо-

* Қўлёзмада бир неча варақ тушиб қолган.

наҳу ва таъоло раҳматидан ноумид бўлма, қанчалик доно бўлсанг ҳам ўзингни шунчалик нодон деб тасаввур қил, шундай қилсанг янада донороқ бўласан, илму донишинг қанчалик кўп бўлса ҳам яна илм таҳсил қилавер ва бу илми ўз жойида ишлат! Айтган сўзингни такрорлайвермаки, уни эшитиш вақтни бекорга йўқотишдир. Оми одамга омиёна, олимга олимларча тушунтир, сўзни ҳар бир одамнинг фаҳму фаросатига мувофиқ гапир, гапирувчининг сўзидан кимлигини билишни ўрган! Чунончи, ҳазрати Али — Аллоҳ унинг юзини мукаррам қилсин, — айтадилар: «Жамол ул-маръи фи таййи лисониҳи, ло фи-тайласаниҳи» («Кишининг зийнати тайласони (чопони)да эмас, балки лисони (тили)-дадир»). Ҳар бир нарсага адолат кўзи билан боқ, шунда ҳақни ноҳақдан ажрата оладиган бўласан. Одамлардан бирор нарса эшитсанг, унга амал қилаётган вақтда эҳтиёт бўлгинки, халқ ичида даъво ва ғавғо юз бермасин. Ҳар бир ишда ўртача юр. Қанчалик мукамал бўлсанг ҳам, ўзингни камроқ ҳис қил. Гавҳар билан эмас, ҳунар билан фахрлан. Ота фазилати билан эмас, ўз фазилатинг билан керил! Чунончи, Ҳазрати Али — Аллоҳ ундан рози бўлсин — айтади: «Шараф ул-инсони бил-фазли ва-л-адаби, ла би-л-асли ва-н-насаби» («Инсоннинг шарафи асли ва насли билан эмас, балки фазли ва адаби билан»).

Адаб омузу илм ҳосил кун,
То шави дар замона бугзида.
Ки тўро ҳеч манфаат нақнад,
Насаби устихони пусида!

Таржимаси:

Замонда сараланган бўлай десанг,
Адаб ўрган илм, ҳосил қил.
Насабининг чириган суяклари,
Сенга ҳеч қандай фойда бермайди!

Давом этиб, деди:

— Эй фарзанд, ёлғондек туюладиган ростни гапиришдан эҳтиёт бўл! Сендан бирор нарса ҳақида сўрасалар, қанчалик мукамал билсанг ҳам, унчалик билмайдиган одамдек гапир, яъни билганингга мағрурланма. Дунёда ранжу кулфат тортмайин десанг, сенга ишониб айтилган сирни ошкор қилма!

БУҚРОТ ҲАКИМ НАСИҲАТИ

У деди:

— Панду насиҳатни тинглаш кўнгил уйини равшан қилади, доноликни орттиради. Кимки ўз ишларини ҳикмат қонуни ва дин йўлига асосланиб қилса, бу жаҳоннинг машаққати ва у жаҳон-

нинг азобидан халослик топади. Нодоннинг ўлими халойиқнинг роҳатидир. Қўполнинг душмани кўп бўлади. Ширинсўз душман қўпол дўстдан яхши. Ақлсиз ва юраги қора киши билан суҳбатдошлик ақлсизлик белгисидир. Доно билан қилинган маслаҳат пушаймонлик йўлига қўйилган тўсиқдир. Синалмаган одамга ишоний аблаҳлик белгисидир.

Икки нарса борки, қанчалик кичик кўринмасин, аслида жуда катта: ҳақимлар панди ва султон ғазаби. Ўз айбини кўрмай, ўзгалар айбини қидириш билан машғул бўлган киши энг аблаҳ кишидир.

Икки нарса борки, авлиёлардан бошқа кишиларда бўлмайди: ақл ва ботирлик.

Икки кишидан қўрқиш зарур: бири заиф душман, иккинчиси доим уэр айтаверадиган киши.

Яна деди:

— Икки хатодан келадиган уқубат яқин: уэр айтаверадиган кишининг узрини тинглаш ва ёлғондан қасам ичиш. Икки киши доимо бойдир ва ҳеч қачон камбағал бўлмайди: бири олим, иккинчиси қаноат эгаси.

Ҳикоя қилишларича, Форс мамлакатада бир шаҳар бўлиб, унинг номини Истағар дер эдилар. Айтишларича, шу шаҳардан бир хазина топиб олишган бўлиб, хазина устида лавҳ (тахта) бор эди ва шу лавҳга ҳар хил насиҳатлар ёзилган эди. Уни форо тилига таржима қилган эдилар: «Ўзини сақлай олишдан кўра барча нарсани сақлай олиш осонроқ. Кимни ҳаёт доно қилолмаса, уни ҳеч ким доно қилолмайди. Одамдан бошқа кишиларга фойда етмаса, ундай одамнинг ўлигию-тириги бирдир. Бировнинг иши тушганда қўлидан келса ҳам ҳожатини чиқармаган одам ҳақиқий пасткаш одамдир. Ҳар ким бировнинг ёмонлиги ҳақида сенин олдингда гапиргандан кўра, сенга ноҳақ сўз гапиргани яхшидир. Мақтаниб, лоф уриб, уни бажаролмаган киши энг шарманда кишидир. Оддийликдан улуғликка етиб, оддийликдаги ҳоли билан иш тутадиган ва муомала қиладиган киши энг доно кишидир.

ОСАФ ИБН БИРХИЁНИНГ СУЛАЙМОН АЛАЙҲИССАЛОМГА ПАНДНОМАСИ

У деди:— Одамларнинг энг яхшиси уларнинг ичидаги доносидир. Уларнинг доноси эса у дунёни деб бу дунёда савоб ишларни қилади, дунё давлати деб ўзини ўтга-чўққа урмайди.

ИСҚИЛИНУС ҲАКИМ НАСИҲАТИ

У деди:— Қасалликдан қўрқиб, ўзини ёмон таомлардан эҳтиёт қилмайдиган, у дунё азобидан қўрқмай, бемалол гуноҳ ва ёмон ишларга қўл ураверадиган одамдан таажжубдаман!

Яна деди: — Илмига амал қилмаган олим ва билимсиз обид (тарки дунё қилган киши) тегирмон тошига ўхшайди, кеча-кундуз қийинчиликда айланиб, саргардонликда юради, аммо ўз ҳолини ўзи билмайди.

БУЗУРГМЕХР ҲИҚМАТЛАРИДАН

Ундан:

— Одамлар интилмаслиги лозим бўлган нарсалар нима?— деб сўрадилар.

— Нокасларнинг мақтовини эшитмаслик ва пасткаш кишилардан умид қилмаслик,— деди у.

— У дунё ва бу дунёни нима билан топиш мумкин?— деб сўрадилар.

— Яхшилик, илм ва тўғрилик билан!— деб жавоб берди у.

— Надомат чекувчи ким?— деб сўрадилар.

— Шошқалоқ ва ўзбилармон!— деди.

Чунончи, айтдилар:

Биноеро, ки худроист меъмор,
Мудомат дар пушаймонист девор.

Таржимаси:

Ўзбилармон меъмор қурган бинонинг девори,
Доммо пушаймонлик ичида бўлади.

— Зое ўтган умр қайси?— деб сўрадилар.

— Бировга яхшилик қила олиш мумкин бўлиб, қилмаган умр!— деди у.

— Доноликка оро берувчи нима?— деб сўрадилар.

— Тўғри фикр!— деди у.

— Шижоат нима?— деб сўрадилар.

— Узр сўрай олиш!— деди у.

— Қайси ҳунар энг яхши!— деб сўрадилар.

— Илм ҳунари!— деди у.

— Ким билан дўст бўлиш керак?— деб сўрадилар.

— Ҳасаддан узоқ юрган киши билан!— деди у.

— Ақлли кишилар кимдан эҳтиёт бўлишлари керак?— деб сўрадилар.

— Омий лаганбардордан ва хасис бойдан!— деди у.

— Ҳақиқий мард ким?— деб сўрадилар.

— Нарса бериб, орқасидан шодланмаган ва ҳеч қачон миннат қилмаган киши!— деди у.

— Ақлли киши ким?— деб сўрадилар.

— Ҳеч кимга хусумат қилмайдиган киши!— деди у.

- Мурувватни нима бузади?— деб сўрадилар.
- Кибр, риё ва ғурур!— деди у.
- Бахтиёр ким?— деб сўрадилар.
- Уч нарсани уч нарса билан, яъни фикрни тўғрилиқ билан, сўзни ростлик билан, феълни саховат билан безаган киши!— деди у.

Назм:

Ало, дарахти карам парвари,
 Гар умид дори к-аз ў бар хвари,
 Карам кун, ки фардо чу девон ниҳанд,
 Манозил ба миқдори эҳсон диҳанд.

Таржимаси:

Агар сен карам дарахтини экиб,
 Ундан мева ейишни умид қилсанг,
 Карам қил, чунки эртага қиёматда ҳисоб-китоб қилганда,
 Жойни (жаннатни) қилган яхшилигинга қараб беришади.

- Номуносиб дўстан қандай қутулса бўлади?— деб сўрадилар.
- Зиёратига бормаслик, хабар олмаслик, нарса сўрамаслик билан!— деди.
- Аҳмоқларга қандай жазо бериш керак?— деб сўрадилар.
- Уздан узоқлаштириш билан!— деди у.
- Покиза инсонлардан қандай узр сўраш керак?— деб сўрадилар.
- Уларнинг ҳожатини раво қилиш билан!— деди у.
- Одамларнинг яширин ишлари қачон ошкор бўлади?— деб сўрадилар.
- Мастлик пайтида!— деди у.
- Боққанда кўзни равшан қиладиган нима?— деб сўрадилар.
- Одил подшоҳ, етук уламо, яхши ишларни қилиб, яхши ном чиқарган фарзандга боқиш!— деди у.

Қитъа:

Нури чашми одамий афзун шавад аз ҳашт чиз,
 Гар муяссар мешавад бар вай назар кун ҳар замон.
 Бар зару бар Мусҳафу шайхи кибору шоҳи адл,
 Хатти ҳубу рўйи ҳубу сабзаву оби равон.

Таржимаси:

Одамнинг кўз нури саккизта нарсадан ошади,
 Сенга муяссар бўлса, гоҳ-гоҳ уларга боқиб тур.
 Улар: зар, Мусҳаф (Қуръон), улуғ шайх ва одил шоҳ,
 Чиройли хат, чиройли юз, сабза ва оқар сув.

- Жондан ширин нарса нима?— деб сўрадилар.
- Дўстларнинг суҳбати!— деди у.
- Аслида ширин бўлган энг аччиқ нарса нима?— деб сўрадилар.
- Жаҳлни ичга ютиш!— деди у.

ҲАКИМЛАР УЗАРО БИР ФИКРГА КЕЛИБ АЙТГАН НАСИҲАТЛАР

Айтадилар:

— Одамларни хор қиладиган нарса саккизта: зиёфатга таклифсиз бориш, бировнинг уйида буйруқбозлик қилиш, икки одам гаплашаётганда сўзига қулоқ солиш, одил подшоҳни ёмонлаб гапириш, ўз жойини билиб ўтирмаслик, қулоқ солишни истамаган одамларга зўрлаб гапириш, душмандан нарса тилаш, бахил одамдан нарса сўраш.

Қитъа:

Аз каримон хоҳ ҳожат э-он, ки навбад ҳеч айб,
Партав аз маҳ, об зи дарё, зи кон зар хостан.
Аз ланмон дам мазан зеро, ки бе маъни бувад,
Нон зи гўрба, устухон аз саг, жав аз хар хостан.

Таржимаси:

Ҳожатинг бўлса сахий одамлардан сўра,
Чунки ойдан нур, дарёдан сув, кондан зар
сўраганининг айби йўқ,
Очкўзлар ҳақида оғиз очмагинки,
Мушукдан нон, итдан суяк, эшакдан арпа сўраш бемаънилиқдир.

Яна айтади:— Яхши одамларнинг сўзи хато бўлса ҳам тўғридек қабул қилинаверади, ёмон одамларнинг сўзи тўғри бўлса ҳам хато бўлиб кўринади.

Яна айтади:— Қимки шарият йўлидан четга чиқса, бадбахтлар қаторига киради ва яхшилик кўрмайди, ҳар ким Худонинг халқи билан муросада яшамаса аччиқ ҳаёт кечиради, кимда раҳму мурувват бўлмаса, Худойи таъолонинг раҳматидан бенасиб бўлади, кимки донолар сўзига амал қилмаса, хор бўлади, кимки бечоралар ҳолига хурсанд бўлса, ўзининг бошига ҳам ўша ҳол келади.

Байт:

Эй дўст, бар жанозаи душман чи бигзари,
Шоди макун, ки бар ту ҳамин можаро равад.

Таржимаси:

Эй дўст, душман ўлимидан шодланма,
Бу можаро сенинг бошингга ҳам келади.

Кимки ҳазилкаш бўлса, обрўйи тўкилади. Кимки Худонинг неъматига шукур қилмаса, ёмонликларга дучор бўлади. Кимки қасамхўрликни одат қилса, доимо хор бўлади.

Айтадилар:— Бахтиёрлик уч нарсададир: тандурустликда, мол закотини беришда ва хотиржамликда.

Айтди:— Икки нарса борки ози ҳам кўпдир: биринчиси — адоват, иккинчиси — чақимчилик.

Айтди:— Эр кишининг оройиши икки нарсада: биринчиси — чиройли хулқда, иккинчиси — виждонда.

Айтди:— Подшонинг оройиши икки нарсада: илм аҳлларини ардоқлашда ва уларнинг сўзларига қулоқ солишда.

Уч хил кишининг хизматидан бўйин товламаслик керак: отананинг, меҳмоннинг ва беморларнинг хизматидан.

Бузругмеҳр ҳақимдан сўрадилар:— Дунёда энг ширин нарса нима?

Айтди:— Фарзанд!

Сўрадилар:— Дунёда энг аччиқ ва ғамгин қиладиган нарса нима?

Айтди:— Қарз.

Сўрадилар:— Уйқу нима?

Айтди:— Енгил ўлим.

Сўрадилар:— Улим нима?

Айтди:— Оғир уйқу, яъни кўп ухлашдан қочиш керак.

Сўрадилар:— Бой деб қимга айтилади?

Айтди:— Ҳою-ҳавасдан ўзини тиядиган кишига.

БУҚРОТ ҲАКИМ НАСИҲАТЛАРИДАН

У айтди:

— Қамтарликни туядан ўрганмоқ керак. Агар унинг арқони сичқон думига боғлаб қўйилса, индамай кетаверади. Ботирликни шердан ўрганмоқ лозимки, агар уни мингта маст филга қарши ташласанг ҳам орқага қайтмайди ва ожизлик кўрсатмайди.

Сўрадилар:— Икки дунёда энг ярамас нарса нима?

Айтди:— Зулм ва золим.

Сўрадилар:— Ҳамма нарса ўзи, аммо ўзи ҳеч нарса нима?

Айтди:— Мол-дунё.

Сўрадилар:— Борлигини кўп синашган, аммо борлигига ҳаммон гумон қилишадиган нарса нима?

Айтди:— Ризқ.

Сўрадилар:— Дўзах оловидан ҳам куйдирадиганроқ нарса нима?

Айтди:— Ғазаб.

Сўрадилар:— Баланд нарсалардан ҳам баландроқ нарса нима?

Айтди:— Баланд ҳимматлилик.

Сўрадилар:— Тотувчини ҳалок этадиган, бироқ одамлар унга
тинимсиз майл этиб маст бўладиган шароб қайси?

Айтди:— Шаҳват шароби.

Сўрадилар:— Қайси бино ҳеч қачон вайрон бўлмайди?

Айтди:— Адолат биноси.

Сўрадилар:— Қайси шарбатнинг охири аччиқ?

Айтди:— Ёшликнинг.

Сўрадилар:— Даво қабул қилмайдиган касаллик қайси?

Айтди:— Ишқ.

Назм:

Ишқ бувад жозибан иттиҳод,
Ишқ бувад айни муриду мурод.
Ишқ ки ошуби хирадмандист,
Ротибаи қурби худовандист.
Равнақи чашмони пуроб ишқаст,
Оташи дилҳойи кабоб ишқ аст.

Таржимаси:

(Маҳбуб билан) бирлашиш сари тортувчи ишқдир,
Ишқ айни хоҳишу мақсаддир.
Ақлни ғавғога солувчи ҳам ишқ,
Тангри ҳузурда мартабани баландлатувчи ҳам ишқ.
Еш тўла кўзларга равнақ берувчи ишқдир,
Кабоб бўлган дилларнинг олови ҳам ишқдир.

Сўрадилар:— Эркагу хотиннинг зийнати нима?

Айтди:— Софдиллик.

СУЛУН ҲАКИМ НАСИҲАТЛАРИ

Айтди:— Бирор кишининг аҳволида ўзгариш юз берса ва ҳаёт
унинг учун оғирлашса, бундай одам ночор ва толесиз кишилар
билан бу борада маслаҳат қилмаслиги лозимки, бундай одам бер-
ган ҳар бир маслаҳат тўғри йўлдан узоқ, нотўғри йўлга яқин
бўлади.

Яна айтди:— Бахтли кунларида дўстларидан алоқасини узган
кишига бахтсиз кунларида ҳеч ким ёрдам бермайди.

Яна айтди:— Кимки ҳаётим осонлик билан ўтсин деса, яхшию
ёмонликдан унга нимаики етса, тангри таълодан деб билсин,
ҳою-ҳавасга берилмасин, ичини ҳасаддан ҳоли тутсин, барчага
нисбатан ўзини одил тутсин, бировга нисбатан инсофсизлик қил-
масин!

Яна айтди:— Паришонлик, тўрт нарсадан юз беради: бирин-
чи — дўстлардан айрилишдан, иккинчи — душманлар макридан,
учинчи — яхши ишлардан юз ўгиришдан, тўртинчи — покдил
одамларни хор тутишдан.

Сўрадилар:— Дўст ким?

Айтди:— Оғир кунда ёрдам берган киши.

Сўрадилар:— Дунёда энг ёмон нарса нима?

Айтди:— Юраги қора дўст.

Сўрадилар:— Юраги қора дўст нимага ўхшайди?

Айтди:— Тушга ўхшайди, тушда ажойиб нарсаларни кўрасан, аммо уйғонганингда қўлингда ҳеч нарса бўлмайди.

Айтди:— Дунё сенга хуш ўтиши учун ўзингни ўткинчи ҳою-ҳаваслардан асра, мол-дунёингни Худойи таъоло розилиги йўлида сарф эт, шунда пушаймон емайсан!

АБДУЛЛОҲ МУҚНИЙ НАСИҲАТЛАРИ

Айтди:— Ҳинд подшоҳининг ҳикматга оид китоблари шундай кўп эдики, ҳатто юзта туяга юкласа ҳам кўплик қиларди. Подшоҳ энг улуғ ҳақимга: «Шу китоблардан қисқартириб ҳикмат ёзгинки, бу ҳикмат барча насиҳатларни ўз ичига олсин», деб буюрди. Ҳақим қуйидаги жумлаларни ёздики, бу жумлалар барчанинг назарида мақбулдур: «Биринчиси — подшоҳлар ўзларини адолат билан безатишлари керак, иккинчиси — халқ бундай подшоҳга эҳтиром кўрсатиши зарур, учинчиси — дарвишлар учун энг чиройли феъл — нафсни тийиш, тўртинчиси — эркагу аёллар учун энг чиройли ҳусн — шарму ҳаёди».

Яна айтади:— Подшоҳга яқин ва унинг хизматида бўлган кишилар хорланиш ва ҳақорат эшитишдан нолимосликлари керак, сувга тушган ғаввос шўр сувдан тотимай иложи йўқ.

ЛУҚМОНИ ҲАҚИМ НАСИҲАТЛАРИ

Луқмони ҳақим ўз фарзандига буюриб, деди: «Эй ўғлим, уч нарсани эҳтиёт қил. Аввало нариги дунё учун динингни эҳтиёт қил, иккинчидан — тандурустлик учун ҳикмат (табобат)ни эҳтиёт қил, учинчидан — тамагир бўлмаслик учун пулни эҳтиёт қил».

Яна айтди:— Эй ўғил, омилар билан дўст тутинма, хасисдан нарса сўрама.

Яна айтди:— Илм ўрган, кимнинг илми бўлмаса, иззати бўлмайди. Қимда ҳилм (ҳалимлик) бўлмаса, илмдан баҳра тополмайди. Қимда саховат бўлмаса, дўст бўлмайди. Қимнинг дўсти бўлмаса, давлати бўлмайди.

Яна айтади:— Эй ўғлим, сабрни ва ўз нафсинг билан курашишни ўзинг учун шиор қил, ҳаром нарсалардан қоч, топганинга қаноат қил.

Байт:

Қаноат тавонгир кунад мардро,
Хабар деҳ ҳариси жаҳонгардро.

Таржимаси:

Қаноат кишини бой қилади,
Жаҳон кезувчи очкўзга (бу ҳақда) хабар бер!

Бировнинг ризқ-рўзига кўз тикма, шунда ўзингни қийнашдан қутуласан! Таомдан оч, ҳикматдан тўқ бўл. Одамларнинг фаҳмига яраша гапир. Иложи борича жимликни ихтиёр қил, шунда одамларнинг ёмонлигидан омон бўласан. Аблаҳларга қарши сукутдан кўмак ва мадад қидир. Одамлар сенда йўқ нарса билан сени мақтасалар, бунга керилмаки, одамлар сўзи билан қуруқ бош косаси дурга айланмайди. Ўзингдан кучлилар билан низолашма, ўзингдан кучлиларни ерга урма. Бадгумонликка юрагингдан жой бермаки, у ҳеч бир дўст билан самимий яшашингга йўл бермайди. Айтишларича, тўрт нарса улуг қийинчиликлардан ҳисобланади: хотиннинг кўплиги, уйнинг вайроналиги, нопок аёл ва ёмон қўшни!

Яна айтди:— Эй ўғлим, барча ҳикматларни ўқиб ўрганишга умр кифоя қилмайди, мен барча ҳикматларни тўрт нарсага жамладим, ўша тўрттанинг иккитасини ёдингдан чиқарма, иккитасини эса унут, ёдингга асло келмасин, шунда сен барча ҳикматларга амал қилган бўласан. Биринчиси — Ҳақ субҳонаҳу ва таъолони ёдингдан чиқармагинки, бу билан ишларинг тартибда бўлади, иккинчиси — ўлимни ёдингдан чиқармагинки, барча ишларнинг оқибатини кўрувчи бўласан. Эсдан чиқариш керак бўлган иккитанинг бири шуки, бировга яхшилик қилган бўлсанг, унут, шунда ҳақиқий мард бўласан, иккинчиси — биров сенга ёмонлик қилган бўлса буни ҳам унут, шунда ҳақиқий олижаноб киши бўласан.

Бир ҳақимдан:

— Нима учун устозни отангдан ҳам яхши кўрасан?— деб сўрадилар.

— Устоз абадий тириклигимнинг сабаби, отам эса ўткинчи ҳаётимнинг сабаби!— деб жавоб қилди у.

Бир ҳақим деди:

— Замона сенга боқмаса, сен замонага боқ, чунки одамлар замона қулидирлар.

АРАСТУ ҲАҚИМ НАСИҲАТЛАРИ

У деди:— Қаноат қилсанг ҳамма нарсадан озод бўласан. Дунёга мафтун бўлма ва очкўзлик қилмагинки, тириклик мавсуми жуда қисқадир.

Яна деди:— Бирор ишни қилишда ўзинг ўз нафсингга рухсат берибсанми, агар уни бошқалар ҳам қилса, уни жазолама.

Яна деди:— Сендан юз ўғирган кишининг суҳбатига интилиш жоннинг қадрини ерга уришдир, суҳбатингни тилаган кишини қайтариш эса олижаобликка нуқсон етказишдир.

У Искандарга деди:— Агар Худойи таъоло сенга ғалаба беришни хоҳласанг, кечирувчи бўл, чунки у кечиришни яхши кўради.

Ундан сўрадилар:— Сўзга усталик нима?

Айтди:— Қисқа сўзлаш, аммо маъносини бузмаслик.

Деди:— Аблаҳ қишиларда дўстлик, ёлғончиларда садоқат бўлмайди.

Байт:

Дуруғ, эй биродар, мағу зинҳор,
Ки козиб бувад хору бемиқдор.
Дуруғ одамеро кунад шармисор,
Дуруғ одамеро кунад бевиқор.

Таржимаси:

Эй биродар, ҳеч қачон ёлғон гапирма,
Чунки ёлғончи хор ва қадрсиз бўлади.
Ёлғончилик кишини шармисор қилади,
Ёлғончилик одамнинг обрў-эътиборини кетказади.

У деди:— Эй фалончи, либосни ўзингга лойиқ кий ёки сўзингга яраша кийим кий!

БУҚРОТ ҲАКИМ НАСИҲАТЛАРИ

У деди:— Агар киши ўзи мукамал эгалламаган илм ҳақида гапирмаса, одамлар орасида тушунмовчилик ва тортишув юз бермайди, жангу жадал олови сўнади.

Яна деди:— Кўнглингиз душман деб ҳисоблаган кишидан эҳтиёт бўлинг!

Яна деди:— Ҳақиқий маърифатга эришган комил одам шундай одамки, ундан нафақат дўстлари осойишта, балки душманлари ҳам тинч ҳаёт кечирадилар.

Яна унинг сўзларидан:— Дунё йўл бошида ёқиб қўйилган оловга ўхшайди, кимки ундан бир оз олиб, ўз йўлини ёритишга сарф этса, фойда олади, кимки кўпроқ олишга интилса, куйиб қолиб, ўзига азоб беради.

Байт:

Умр чу як рўза қарорат надод,
Рўзи даҳ сола чи бояд ниҳод.

Рўзи аз онжо, ки фиристодаанд,
Он хўри инжо, ки тўро додаанд.

Таржимаси:

Дунёда умринг бир кунчалик ҳам эмас, шундай экан,
Ун йиллик ризқни сақлаб нима қиласан?
Сенга тегишли ризқ у ердан юборилади,
Сен ўша берилган ризқнигина бу ерда ололасан.

Афлотун ҳаким Суқрот ҳакимнинг шогирдларидан бири эди, афарга жўнайдиган бўлиб қолди, хайрлашиш учун устозининг лдига келиб, насиҳат қилишини сўради. Суқрот унга шундай еди:

— Бировни яхшилиги орқали таниган бўлсанг, у ҳақда гумон-ирама, биров билан олдиндан таниш бўлмасанг ундан эҳтиёт ўл. Тунда тушган манзилингдан ташқари чиқма. Емаган ва синалмаган мевалардан ема. Узингга таниш бўлмаган йўлдан юр-а, узоқ бўлса ҳам таниш йўлдан юр...

Афлотун ундан сўради:

— Раҳмга сазовор киши ким? Одамларнинг иши қачон зое бўлади? Худойи таъоло берган неъматларнинг эвази нима билан идо этилади?

Суқрот жавоб берди:

— Уч кишининг ҳолига раҳм қилмоқ керак. Биринчиси — биров амирнинг хизматини қилаётган соҳибтадбир кишигаки, у кўриш керак бўлмаган нарсани кўради, эшитиш мумкин бўлмаган нарсани эшитади. Иккинчиси — тарбиякунандаси нодон бўлган кишигаки, у ундан ҳамиша ранж тортади. Сахий одамгаки, у хасис одамга муҳтож бўлади, итоат қилиш ва кўз тикишдан ўзга чораси йўқ. Ишлар шундай пайтда зое бўлади: қўлингда яхши чора-тадбир бор, уни сендан қабул қилишмайди; бировда яхши қурол бор, аммо уни ишлатолмайди; бировда етарли мол бор, аммо бахиллиги сабабли ишлатолмай ўлиб кетади. Худойи таъоло берган неъматнинг эвази кўп шукр айтиш, тоатни жойига қўйиш ва гуноҳ ишлардан қочишдир...

Афлотун ундан бу сўзларни эшитиб, унинг хизматини ғанимат деб билди ва ўлгунча ундан жудо бўлмади.

АФЛОТУН ҲАКИМ НАСИҲАТЛАРИ

У айтди:— Ҳақиқий марднинг белгиси шуки, агар унда ажойиб раъйу фикр содир бўлса, бунга у асло мағрурланмайди. Уни ёмонласалар, ғазаби ўрнидан қимирлата олмайди, агар уни мақтаб, кўкларга кўтарсалар унда манманлик пайдо бўлмайди, хайрли ишлар ва тўғри амалларга бош қўшади.

Яна деди:— Бундан аввал одамларни ер ютаётганини кўрар эдим, энди қарасам, одамлар ерни ютишяпти. Қимки одамларга яхши ишларни буюриб, ўзи бу ишни қилмаса, бу ўзи бошқалар учун қўлида чироқ тутган одамга ўхшайди.

Яна айтди:— Қаердаки комил ақлни кўрсанг, у ерда очкўзлик ва ахлоқсизликни кўрмайсан.

Яна деди:— Ғазаб устида турган одам билан уришма, уни ўша онда ўз ҳолига келтириш қийин, балки бу пайтда унинг ғазоби янада зиёда бўлади. Чунончи бу ҳақда шундай дейдилар:

Ду оқилро набошад кийни пайкор,
На доно местизад бо сабукбор.
Агар нодон ба ваҳшат сахт гуяд,
Хирадмандаш ба нарми дил бажуяд.
Вагарна ҳар ду яксар жоҳилонанд,
Агар занжир бошад бигсалонанд.

Таржимаси:

Икки оқил ҳеч қачон бир-бири билан уришмайди.
Доно одам эса енгилтак киши билан тортишмайди.
Нодон киши ваҳшат билан қаттиқ гапирса,
Ақлли одам юмшоқлик билан кўнгил олади.
Бундай қилишмаса, демак ҳар иккови ҳам нодондирлар,
Ҳатто занжир бўлса, занжирни ҳам узишади.

Яна деди:— Уч одамга менинг кўнглим ачийди: камбағалга айланган бойга, хорликка мубтало бўлган азиз кишига ва нодонлар орасига тушиб қолган олимга.

Яна деди:— Ҳақли одамга нарса бермоқчи бўлсанг, ялинтирмасдан бер.

Яна деди:— Кишида ақл камлигининг белгиси ўзига тааллуқли бўлмаган сўзга аралашиндир.

Яна деди:— Агар сен кишининг табиатини билмоқчи бўлсанг баъзи ишларда у билан маслаҳатлаш, шунда унинг одиллиги, яхши ёки ёмонлигидан воқиф бўласан.

Айтди:— Уз сирини сақлашдан ожиз бўлган киши энг заиф кишидир. Уз ғазабини боса олган киши энг кучли кишидир.

Яна деди:— Мамлакатнинг муҳим ишида сендан тўғри фикр ва муносиб маслаҳат содир бўлса, буни ҳаргиз миннат қилма ва бу ҳақда гаприб юрма. Душман сўзини подшоҳга шундай йўл билан тушунтиргинки, то сўзингни ёлғон деб ўйламасинлар.

Айтди:— Бало тўрига тушиб қолган одамларнинг додига етувчи бўл, бироқ улар ўзларининг ёмон феъллари билан бу кулфатга дучор бўлмаган бўлсинлар.

Яна деди:— Одамнинг мукамал ақлга эгалиги аломати — душманни ўзига дўст қила олишидир.

Айтди:— Дўстларни ғамга солиш, уларнинг сир-асрорини ошкор қилиш рухнинг заифлигидандир.

Яна деди:— Ботирлигинга қувонма, бахтиёр толеинга (толеъи саъд) мағрур бўлма, амалга оширган ишинг хайрли ишлардан бўлса, бунга асло пушаймон бўлма..

Унинг ёқимли сўзларидан: ақлнинг нафсга нисбатан устунлиги шуки, ақл оламни сенга қул қилади, нафс эса сени оламга қул қилади.

Яна деди:— Қимки чиройли от ва қимматбаҳо либос билан фазилат топаман деса, у жоҳилдир, тажриба бўйича отнинг отдан устунлиги, либоснинг либосдан ортиқлиги бор, бироқ одам одамдан ортиқ эмас.

Ундан сўрадилар:— Нима учун одам қариган пайтда пулга очкўзроқ бўлади?

Жавоб берди:— Қариган пайтда дўстларга муҳтож бўлиб қолишдан қўрқиб, мол-давлатини асрайдиган бўлади.

Айтди:— Ортиқча насиҳат тухмат билан тенг.

БАТЛИМУС ҲАКИМ НАСИҲАТЛАРИ

У айтди:— Ҳикмат бир дарахтки, у кишининг юрагида ўсади, меваси эса тил орқали тўкилади.

Яна айтди:— Қимки узоқ яшашни хоҳласа, юрагини қийинчилик ва мусибатларга қарши шай тутиши керак.

Яна айтди:— Қимки бошқалар ҳаётидан ибрат олса, унинг ҳаётидан бошқалар ибрат олади.

Яна айтди:— Бемор учун таому ичимликлар ёқмагани каби дунё муҳаббатига мубтало бўлган кишининг юрагига панду насиҳат фойда бермайди.

Байт:

Чи парво аз насиҳат соликони роҳи ғафлатро,
Садо кай пойи хоб олударо бедор месозад?

Таржимаси:

Ғафлат йўлида юрувчилар насиҳатга қандай парво қилсин,
Уйқу бандаларини овоз қачон бедор қила олади?

Яна айтади:— Бу дунёдаги яхши ишлар у дунёни сотиб олиш учундир. Ҳар кимда ақлдан насиба бўлса, ёмонлар билан улфатлик, омилар билан дўстлик, ривкорлар билан яқинлик ҳамда жабру зулм боқий эмаслигини билади.

Яна деди:— Ақлли киши подшоҳлар суҳбатини ихтиёр қилмайди. Бордию ихтиёр қилса ҳам подшоҳнинг ёқимсиз феълларини ҳар хил зарбулмасаллар билан унга айб ва таъна етқизмаган ҳолда, гуноҳ бўлишини уқтириб, ёмон феълдан қайтаради.

БОСЛУС ҲАКИМ НАСИҲАТЛАРИ

У айтади:— Кемачи дуч келган шамол билан кемани ҳайдай-вермаслиги, оқил киши кўнглига келган ҳар бир ўй билан иш тутавермаслиги керак.

Яна деди:— Жонингни дунёда ғариб одамдек тут, ғарибларни эса иззат қил.

Яна деди:— Кеманинг чўкиб кетиши мумкинлиги ҳақида ҳали у тинч кетаётган пайтда ўйла!

АРАБ ҲУКАМОЛАРИНИНГ НАСИҲАТЛАРИ

Араб ҳукамолари айтадилар:— Қаноатли киши гарчи камбағал ва яланғоч бўлса ҳам бойдир. Очкўз киши гарчи бой бўлса ҳам камбағалдир. Доно одам асир бўлса ҳам амирдир.

Яна айтадилар:— Юриш эрлар иши, ўтириш аёллар иши...

Айтадилар:— Подшоҳ сафарда қуйидаги кишиларсиз бўлмаслиги керак: биринчи — насиҳатгўй вазир, иккинчи — фазилатли дабир*, учинчи — шафқатли ҳожиб**, тўртинчи — ҳозиқ табиб, бешинчи — барча нарсани биладиган надим (ходим).

Айтадилар:— Елғон гапириш пасткашлик белгиси, чақимчилик ҳаромзодалик белгиси, давлат аҳлини сабабсиз душман фаҳмлаш бадбахтлик нишонасидир. Тўғрисўзлик пок насликдан, давлатга манманлик қилмаслик улуғ ҳимматлидир... Ҳар ким қаердан келганини ва қаерга кетишини билса, ўлим ва ҳаёт унинг учун баробардир.

ЖОЛИНУС ҲАКИМ НАСИҲАТЛАРИ

Қимки яхшиликни касб қилишга интилса, яхши мақтовларга сазовор бўлади.

Айтди:— Қанчалик куч-қувватга эга бўлмагин, душман билан доимо тинчлик йўлини ихтиёр қил.

Айтди:— Агар дўст сендан насиҳатини аяса, айтиш зарур бўлган нарсани айтишда мужмаллик кўрсатса, айбларингдан сени огоҳ қилмаса, бундай дўст алоқани узиш ва ундан узоқлашишга сазовордир.

Айтди:— Мулойимлик қуввати билан ғазаб оловини сўндирилган киши ҳақиқий мақтов ва олқишга лойиқдир.

Айтди:— Ғазаб ўт олганда мулойимлик кўрсата олиш ва ғурурни синдира олиш ақлли кишиларнинг саломатлиги ва омонлиги бонсидир.

* Дабир — подшоҳ фармонларини тайёрловчи котиб.

** Ҳожиб — дарвозабон, эшик оғаси.

Айтди:— Саккиз нарса паришонхотирлик келтиради: чиройли нарсани кўриб, унинг шаклу шамойилини дилга ўрнатиш, бошнинг орқа томонидан қон олдириш, йўлда тик туриб қовуқни бўшатиш, наҳорда олма ейиш, одамларнинг уят жойига назар солиш, хасис билан улфат бўлиш, қўрқувда узоқ юриш, хунук хатни ўқиш.

Айтди:— Уч нарса уч нарса билан бирга бўлмайди: очкўзлик билан ҳалоллик, ғазаб билан меҳрибонлик, лақмалик билан ростгўйлик.

АНКОС ҲАКИМ НАСИҲАТЛАРИ

Айтди:— Одамни иззатли ва обрўли пайтида эмас, хор ва зор пайтида синаш керак.

Айтди:— Одам ўз либосини кир-чирлардан қандай пок тутса, юрагини ҳам макру ҳийлалардан шундай асраши керак.

Яна айтди:— Ута ширин бўлмагинки, ютиб юбормасинлар, ўта аччиқ ҳам бўлмагинки, туфлаб ташламасинлар.

Айтди:— Илми бўлатуриб, унга амал қилмаган киши худди дори бор бўлса ҳам ундан ичмаган беморга ўхшайди.

ИҚЛИДУС ҲАКИМ НАСИҲАТЛАРИ

У айтди:— Икки дўст орасига душманлик уруғини ташламагинки, улар озгина нарса билан ярашиб кетишади, сен эса ёмон номга эга бўлиб қоласан.

СОҚРИТУС ҲАКИМ НАСИҲАТЛАРИ

У айтади:— Адолати йўқ подшоҳни, чиройли тадбирга эга бўлмаган фотиҳни, сўзида ростлик бўлмаган сўз устасини, молу давлатини ўз ўрнида ишлатмайдиган саховатли кишини, тўғри фикрга эга бўлмаган ҳар қандай фазилат соҳибини беҳожат деб ҳисобламагинки, аксида улар муҳтож кишилардир...

Бир ҳаким айтади:— Уч нарсани барбод қилмаслик учун уч нарсани эҳтиёт қил: бошингдан айрилмаслик учун тилингни сақла, намоздан айрилмаслик учун таҳоратни сақла, юракдан айрилмаслик учун ғазабланишдан эҳтиёт бўл.

Машойихлар айтадилар: саккиз хил тонифа билан ўтирган кишида саккиз хил хислат пайдо бўлади: кимки бадавлат кишилар билан ўтирса, кўнглида бойлик ҳаваси пайдо бўлади; кимки дарвешлар билан ўтирса, зоҳидлик пайдо бўлади; кимки подшоҳлар билан ўтирса, манманлик ва ғурур пайдо бўлади; кимки аёллар билан ўтирса, ўзига маломат орттириб олади; кимки болалар билан ўтирса, салобат ва виқори кетади; кимки фосиқлар билан ўтирса, маъсият ва гуноҳ пайдо бўлади; кимки солиҳ кишилар

билан ўтирса, тоат пайдо бўлади; кимки олимлар билан ўтирса, руҳида мусаффолик пайдо бўлади.

Ҳазрати Расули акрам саллаллоҳу алайҳи васаллам айтадилар: ўн кишининг дуоси қабулдадир: биринчиси — олим, иккинчиси — толиби илм, учинчиси — хушфеъл киши, тўртинчиси — бемор, бешинчиси — етим, олтинчиси — ғозий киши, еттинчиси — ҳожи, саккизинчиси — насиҳатчи, тўққизинчиси — қобил фарзанд, ўнинчиси — ота-она.

Яна айтадилар:— Уйқу етти хил бўлади: биринчиси—олимлар мажлисидаги уйқу, бу ғафлат уйқуси; иккинчиси — авлёлар суҳбатидаги уйқу, бу бадбахтлик уйқуси; учинчиси — намоз вақтидаги уйқу, бу уқубат уйқуси; тўртинчиси — субҳдан кейинги уйқу, бу лаънат уйқуси; бешинчиси — роҳат уйқуси, бу кун ярмидаги уйқу, олтинчиси — ҳуфтон намозидан кейинги уйқу, бу мубоҳ* уйқу; еттинчиси — жума намози вақтидаги уйқу, бу ҳасрат уйқусидир.

* М у б о ҳ — шариатда рухсат этилган иш.

МУНДАРИЖА

Яширин марваридлар	3
Бисмиллоҳир Раҳмонир Раҳим	5
Расули акрам саллаллоҳу алайҳи васалламнинг айтганлари.	6
Буқрот ҳақим насиҳати.	7
Осаф ибн Бирҳиёнинг Сулаймон алайҳиссаломга пандномаси.	8
Исқилинус ҳақим насиҳати.	8
Бузургмеҳр ҳикматларидан.	9
Ҳақимлар ўзаро бир фикрга келиб айтган насиҳатлар.	11
Буқрот ҳақим насҳатлатларидан.	12
Сулун ҳақим насиҳатлари.	13
Абдуллоҳ Муқниъ насиҳатлари.	14
Луқмони ҳақим насиҳатлари.	14
Арасту ҳақим насиҳатлари.	15
Буқрот ҳақим насиҳатлари.	16
Афлотун ҳақим насиҳатлари.	17
Батлимус ҳақим насиҳатлари.	19
Бослус ҳақим насиҳатлари.	20
Араб ҳукамоларининг насиҳатлари.	20
Жолинус ҳақим насиҳатлари.	20
Анкос ҳақим насиҳатлари.	21
Иқлидус ҳақим насиҳати.	21
Соқритус ҳақим насиҳатлари.	21

На узбекском языке
ИМАМ АЛИ ИБН МУСА АР-РИЗА
СОКРОВЕННЫЕ ЖЕМЧУЖИНЫ

Перевод с фарси *Маҳмуда Хасани*

ИМАМ АЛИ ИБН МУСА АР-РИЗО

ЯШИРИН МАРВАРИДЛАР

Форсийдан *Маҳмуд Ҳасаний* таржимаси

Муҳаррир *М. Орифжонов*
Рассом *Б. А. Хайбуллин*
Техник муҳаррир *В. Мешчерякова*
Мусаҳҳиҳ Н. Нурматов

ИБ № 17

Босмахонага 25.11.91 берилди. Босишга 6.12.92 рухсат этилди. Формати 60×84¹/₁₆. Босма қозони. Адабиёт гарнитураси. Юқори босма. Шартли босма тобоғи 1,39. Нашр тобоғи 1,42. Нусҳаси 50 000. Буюртма 312. Баҳоси 1 с.

РИО АП ТПК

Масъулияти чекланган «Мажнунтол» фирмаси. Главпочтамт 700000, я/я 5313
УзР ФА «Фан» нашриёти босмахонасида чоп этилди. 700170 Тошкент, М. Горький
шоҳ кўчаси, 79.

МАЖНУНТОЛ, 1991.